

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ХОТАМОВ АСАДУЛЛА ТОШТЕМИРОВИЧ

**ШАҲАРСОЗЛИКДА УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ЭСКИРИШНИ
БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИНГ
ИЛМЙ АСОСЛАРИ**

**05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар
18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси
(техника фанлари).**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Хотамов Асадулла Тоштемирович Шаҳарсозликда уй-жой фондини эскиришини баҳолаш методологияси ва мониторинг тизимининг илмий асослари.....	3
Хотамов Асадулла Тоштемирович Научные основы систем мониторинга и методологии оценки износа жилищного фонда в градостроительстве	29
Khotamov Asadulla Toshtemirovich Scientific foundations of monitoring systems and methodology for as- sessing the depreciation of the housing stock in urban planning.....	55
Эълон қилинган ишлар руйхати Список опубликованных работ List of published works.....	60

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ХОТАМОВ АСАДУЛЛА ТОШТЕМИРОВИЧ

**ШАҲАРСОЗЛИКДА УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ЭСКИРИШНИ
БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИНГ
ИЛМЙ АСОСЛАРИ**

**05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар
18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси
(техника фанлари).**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.DSc/T408 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шукуров Илхомжон Садриевич,
Техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Аббос Агзамович
Техника фанлари доктори, профессор

Дурдиева Гавҳар Салаевна
Архитектура доктори, катта илмий ходим

Ибрагимов Баҳром Тошмуратович
Техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли илмий кенгашининг 2021 йил “___” _____ соат _____ да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент, Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.: (+99871) 241-10-84); факс: (+99871) 241-80-00, e.mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй. тел.: (+99871) 244-63-30; факс: (+99871) 241-15-11, e.mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021-йил “___” _____ да тарқатилди.
(2021-йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акрамов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор.

Х.Х. Камилов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор.

Б.А. Асқаров

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда биноларнинг эксплуатациявий ишончилигини таъминлаш масаласининг устивор йўналишларидан бири эксплуатациядаги кўп квартирали уйлар (ККУ) ни техник ҳолатини бошқариш масаласидир. Барча ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Япония, Хитой, Германия, Жанубий Корея, Сингапур, Россия каби давлатлари ККУ ни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияга топшириш босқичларида сифатни таъминлашда ўзига хос тажрибаларга эга. Барча босқичларда йўл қўйиладиган хатоликларни камайтириш, ҳудудий омилларни чуқурроқ тадқиқ этиш ККУнинг ишончилигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг барча архитектура-қурилиш соҳасидаги олий таълим масканлари ва етакчи илмий-тадқиқот марказларида тадқиқотлар ККУнинг оптимал эксплуатациясини ташкил этишга қаратилган. Жумладан, ҳудудий омиллар, нуқсонларнинг пайдо бўлиши, турлари, аҳамияти, улар таъсирида ККУнинг барвақт эскириши ва бу омилларнинг умрбоқийлик ва хавфсизликка салбий таъсири, ККУда режавий таъмирлаш-тиклаш ишларининг такрорий муддатлари, капитал таъмирлаш ишларини асослаш, меъёрий хизмат муддати-умрбоқийлигини ошириш ва натижада ККУнинг оптимал эксплуатациясини ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда, ККУ нинг умрбоқийлигини унинг вақт мобайнида жисмоний эскириши орқали прогноз қилиш, ККУнинг техник ҳолатини электрон паспортга асосланган рақамли бошқариш - мониторинг тизими асосида амалга ошириши муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамизда шаҳарларни ривожлантириш, эскирган турар-жой масканларини комплекс реновация дастурини ишлаб чиқиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. «...инфраструктура объектларини капитал таъмирлаш, реконструкция ва модернизация қилиш» вазифалари белгиланган¹. Буларни шаҳарсозлик нуқтаи - назаридан комплекс тадқиқ этиш ва илмий прогнозлар қилиш учун эксплуатациядаги ККУ нинг ягона тизимга бирлаштирадиган мониторинг тизимини шакллантиришни тақозо этиб, ККУнинг бугунги кундаги ҳақиқий техник-иқтисодий кўрсаткичларини тўғри аниқлаш – капитал таъмирлаш, реконструкция ишларини асослашда, турар-жой масканларининг истиқболли реновация дастурларини яратишда алоҳида стратегик аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017-йил 24-апрелдаги ПҚ-2922-сон “2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”; 2020-йил 30-июлдаги ПҚ-4794-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 18-январдаги 48-сон «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепциясининг тасдиқлаш тўғрисидаги” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

ККУ нинг умрбоқийлигига нуқсонларнинг таъсири, лойиҳалаш, қуриш, эксплуатацияга топшириш жараёнида сифатни текшириш бўйича замонавий тизимлар ишлаб чиқиш масалалари, оптимал эксплуатацияни ташкил этиш, ККУ да хавфсизлик ва умрбоқийликни таъминлаш, бино ва иншоотларнинг эскириши назарияси, амалиёти, уларнинг реконструкциялари ва турар-жой масканларининг реновацияси масалалари бўйича жаҳоннинг деярли барча ривожланган мамлакатларининг етакчи университетларида, хусусан, Массачусети технология, Калифорния, Гарвард университетлари (АҚШ), Делфи технология университети (Нидерландия), Веймар университети (Германия), Москва давлат қурилиш университети (РФ), Осака, Нагоя университетлари (Япония), Сеул технология университети, Ханбат университети (Жанубий Корея), Наньян ва Сингапур технология университетлари (Сингапур) ҳамда бошқа илмий-тадқиқот марказларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Россия Федерациясида умумий уй-жой фондининг 10% ни 1959-1985 йилларда қурилган 290 млн. кв.м 5 қаватли йирик панелли “Хрущевка” лар ташкил этиб, уларда жисмоний ва маънавий эскириш даражаси 40% дан 80% гача. ККУ нинг эскиришини аниқлаш, уларни реновация дастурлари доирасида тадқиқ этиш муҳим масала бўлиб, РФ, Германия, Франция, Польша каби Ғарбий Европа мамлакатларида қурилишга ажратилаётган умумий маблағнинг 20-30% янги қурилишга, 70-80% эса капитал таъмирлаш, реконструкция ва реновацияга сарфланади. Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Гонг-Конгда эса ККУни эксплуатация топшириш ва қафолат муддати ичида нуқсонларни келиб чиқишини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш сифат тизимини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилса, Германияда бу борада ўзига хос “немис мактаби” шаклланган. Берлинда жами уй-жой фондининг 70% - 34 млн. та квартиранинг 24 млн. таси реконструкция қилинган. Мазкур ККУ лар 1980-йилларда қурилган бўлиб, ҳали улар

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.special.minsvyaz.donland.ru/Default.aspx>, <http://www.asninfo.ru/tegi/renovacia-cpb>, <http://www.docs.cntd.ru/document.8391606> ва бошқа манбалар асосида бажарилди.

техник ҳолат бўйича ночор аҳволда бўлмаган. Ўзбекистон шаҳарлари учун бу масала долзарб ҳисобланиб, Тошкент архитектура-қурилиш институтида ЎЗР УЖКХКВ билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ККУнинг оптимал эксплуатациясини ташкил этиш ва унинг техник ҳолатини бошқариш бўйича илмий тадқиқотлар қуйидаги устувор йўналишлар бўйича олиб борилмоқда: ККУни лойиҳалаш, қуриш, эксплуатацияга қабул қилиш, оптимал эксплуатацияни ташкил этиш масалаларида сифатни ошириш бўйича ККУнинг ҳаётий циклини ВІМ технологиялари асосида моделлаш, ҳудудий, субъектив омиллар таъсирида жисмоний эскириш жадаллиги бўйича маълумотлар базасини ҳамда у асосида рақамли мониторинг тизимини шакллантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Биноларнинг эксплуатациявий ишончлилиги масалалари РФ олимлари: В.В. Анисимов, В.И. Бабакин, С.К. Балашов, М.Д. Бойко, Л.Я. Бурак, А.А. Задерман, Г.Т. Попов, А.П. Прокопишин, Е.В. Поляков, Г.П. Порывай, А.Г. Ройтман, В.А. Рогонский, Н.Г. Смоленская, С.Д. Сокова, В.К. Соколов, В.М. Калинин, Б.М. Колотилкин, А.В. Коломеец, А.И. Костриц, Ю.Г. Кругляков, В.Н. Кутуков, Н.Н. Миловидов, Н.В. Нечаев, Р. Рибицки, Г. Руфферт, И.А. Физдель, В.В. Фурсов; хорижий олимлар: А. Митцел, Д. Арендарский, Д. Залецкий, Е. Марцинковская, Е. Тиминский, Д. Кониор, М. Савицкий, М. Шостак (Польша); J.H. Kim, S.S. Go, H.S. Jang, C.H. Seo, I. Kang, D.S. Shu, K.S. Ann (Ж.Корея); N. Silva, M.F. Dulaimi, F.Y. Ling, Y. Ofori, G.B. Yuen, A. Yeh, S. Appold, G. Earl, J. Ting, L. Kwee (Сингапур); A.R. Atkinson, T. Hopkin, S.L. Lu, P. Rogers, M. Sexton, N. Craig, J. Sommerville (Англия), N. Forcada, M. Macarulla, A. Fuertes, M. Casals, M. Gangoells, X. Rosa (Испания); F.E. Rotimi, J. Tookey, J.O. Rotimi (Янги Зеландия); Э. Грунау (Германия) ва бошқалар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Бино ва иншоотларда авария таҳлиллари шу кунгача қатъий классификацияга эга эмас. Шундай бўлсада, хориж олимлари: М.Ю. Абелев, Б.И. Беляев, Р.И. Вейц, В.З. Власов, В.Т. Гроздов, А.Н. Добромыслов, Ф.Д. Дмитриев, В.Г. Золотухин, В.И. Караказова, В.С. Корниенко, М.Н. Лашенко, В.В. Леденев, Б.В. Остроумов, М.М. Сахновский, Б.В. Сендеров, А.М. Титов, А.Н. Шкинев, Ф.С. Ясинский ишларида авариялар таҳлил қилиниб, уларга қарши чора-тадбирлар тавсия этилган бўлса, республикамизда мазкур соҳада К.С. Абдурашидов, Р.Қ. Мамажонов, П.Т. Мирзаев, С. Саидий, С.Ж. Раззоқов, В.Ф. Усмоновларнинг илмий ишлари диққатга сазовор.

Ўрта Осиё минтақаси шароитига мос қурилиш конструкциялар, хусусан т/б конструкцияларни тадқиқ қилишда Б.А. Асқаров, А.А. Ашрабов, Х.А. Акрамов, С.А. Ходжаев, А.А. Ходжаев, Ш.Р. Низомов, Х.У. Қамбаров, С.С. Шаумаров ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Пойдевор асосларини тадқиқ қилишда К.К. Казакбаев, Х.З. Расулов, З.С. Сирожиддинов, А.З. Хасановлар, фазовий том ёпма конструкциялари бўйича эса С.Р. Раззоқов, Қ.И. Рўзиевлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Тарихий обидаларнинг умрбоқийлигини таъминлаш бўйича республикамизнинг ўзига хос шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда Қ.С. Абдурашидов, Г.С. Дурдиевалар томонидан диққатга сазовор илмий ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳарсозликка доир бир қатор илмий тадқиқотлар: А. Ғиёсов, И.С. Шукуров, А.Т. Исмоилов, Е.В. Шипачевалар томонидан Марказий Осиё минтақаларида иқлим таъсирининг, ер ости сувларининг шаҳарсозликдаги аҳамияти, хусусан бино ва иншоотларга уларнинг кўрсатадиган таъсирлари, шаҳарда шинам муҳим яратиш борасида ишлар олиб борилган.

Бироқ, эксплуатациядаги ККУ нинг оптимал умрбоқийлиги масаласи республикамиз ҳудудий омилларини инобатга олган ҳолда етарлича тадқиқ этилмаган. Уларнинг барвақт ишдан чиқишига олиб келувчи етакчи ҳудудий омиллар, жисмоний эскириши ҳолатлари илмий нуқтаи-назардан деярли ўрганилмаган. ККУ нинг эскиришини баҳолаш бўйича ҳудудий омилларни инобатга олувчи усуллар ишлаб чиқилмаган. Бу масалалар, ККУ ни шаҳарсозлик кадастри объекти сифатида электрон паспортга асосланган ягона мониторинг тизимини ишлаб чиқиш орқали ечилиши мумкин.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот режалари доирасида: ГНТП-16.06 – “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик шароитларида йиғма темирбетон ва монолит ва конструкцияларнинг ишончлилиги, умрбоқийлиги баҳолаш ва оптимал лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш” (1997-1999 йй.); ГНТП-2, №П-2,36 – “Кўчмас мулкни баҳолашда Ўзбекистоннинг регионал шарт-шароитларини инобатга олувчи баҳолаш асослари ва методологиясини ишлаб чиқиш” (2002-2004) ҳамда «Сейсмик ҳудудларда бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш» (1996-2020 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ККУ нинг эскиришини регионал хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг техник ҳолатини рақамли бошқариш бўйича электрон паспортга асосланган мониторинги тизимини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикадаги мавжуд ККУ нинг ҳозирги ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, уларга таъсир этувчи устивор ички ва ташқи регионал омиллар улушини аниқлаш ва тизимлаштириш;

ККУ нинг жисмоний эскиришини баҳолаш бўйича амалдаги норматив базани таҳлил қилиш, хорижий усуллар билан қиёслаш, капитал таъмирлаш ишлари муддатларини тадқиқ этиш;

республиканинг турли регионлари бўйича эксплуатациядаги ККУ нинг жисмоний эскириши жадаллигини натуравий тадқиқ этиш, уларга салбий таъсир кўрсатувчи устивор омилларни аниқлаш ва уларни оммавий баҳолашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш;

ККУ нинг қолдиқ хизмат муддатини ва умрбоқийлиги кўрсаткичларини прогноз қилиш усулларини жисмоний эскириш параметри орқали такомиллаштириш;

жисмоний эскиришни баҳолашнинг янги, нуқсонларни ва вақт омилини инобатга олувчи модификацион усулини, шунингдек, табиий ва техноген омиллар таъсирида етказилган иқтисодий зарарларни баҳолашнинг янги усулини ишлаб чиқиш;

мавжуд турар-жой массивларининг истиқболли реновацияси дастурларини ишлаб чиқишда “ночор ҳолат” қайд этилган ККУ нинг шаҳарсозлик кадастри тизимида техник ҳолати бўйича таснифлаштириш;

турар-жой комплексларида ККУ нинг оптимал эксплуатациясини ташкил этиш ҳамда шаҳарсозлик кадастрини рақамли бошқаришни ташкил этиш бўйича электрон паспортга асосланган мониторинг тизими моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикадаги ККУ ва уларга туташ ҳудудлар қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предметини регионал шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ККУ нинг эскириши жадаллигини ва уни баҳолаш усулларини тадқиқ этиш, шаҳарсозлик кадастри тизимида ҳамда ККУ нинг эксплуатациясини ташкил этишда рақамли бошқарув моделини ишлаб чиқиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш, емирилиш ва эскиришга олиб келувчи сабабларнинг кўп омилли таҳлили, киёслаш усуллари, эксперт баҳолаш, статистик таҳлил, энг кичик квадратлар усули, реал объектларда ўтказилган натуравий текширувлар таҳлили. Қаралаётган муаммо мураккаб омиллар тизимини ташкил этганлиги учун уларни тадқиқ этишда ретроспектив таҳлил ва прогноз усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамиздаги ККУ нинг мавжуд ҳолати комплекс таҳлил қилиниб, уларнинг маълумотлар базаси шакллантирилган, эксплуатациядаги ККУ нинг барвақт ишдан чиқишига олиб келаётган ички ва ташқи устивор регионал омиллар улуши аниқланган ва тизимлаштирилган;

республиканинг турли регионлари бўйича эксплуатациядаги авария ҳолати қайд этилган ёғоч, табиий тошли, ғиштли ва йиғма т/б панел конструкцияли ККУ бўйича жисмоний эскириши жадаллиги кўрсаткичлари «λ» бинонинг меъёрий хизмат муддатига нисбатан аниқлаштирилган.

ККУ нинг қолдиқ хизмат муддати - T_k , ишончлилиги - P ҳамда умрбоқийлиги $T_{умр}$ кўрсаткичларини прогноз қилиш усулларини жисмоний эскириш параметри орқали такомиллаштирилиб, ККУ техник ҳолатини баҳолашнинг янги – жисмоний эскиришни, нуқсонларни ва вақт омилини инобатга олувчи модификацион усули ишлаб чиқилган;

капитал таъмирлаш ишларини мақбул ечимини топиш учун ККУ да ишлатиладиган қурилиш материалларининг меъёрий ва ҳақиқий хизмат муддатлари ўртасидаги номуносибликлар аниқланган, эксплуатациянинг

исталган босқичида ККУ ва унинг ташкил этувчи конструкцияларнинг жисмоний эскиришини статистик таҳлиллар натижасида прогнозлаш усули ишлаб чиқилган;

эксплуатациядаги ғиштли ва йиғма темирбетон панелли ККУ нинг жисмоний эскиришини баҳолашнинг ҳудудий омилларни инобатга олувчи моделлари ишлаб чиқилган;

ККУ га табиий ва техноген омиллар таъсирида етказилган иқтисодий зарарларни баҳолашнинг анъанавий бирлик усулидан фарқли бўлган янги-жисмоний эскириш орқали баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

уй-жой фондини оммавий инвентарлаш ва паспортлаштириш ишларини амалга оширишда ККУ нинг оптимал эксплуатациясини ташкил этиш ҳамда шаҳарсозлик кадастрини рақамли бошқаришни ташкил этиш бўйича электрон паспортга асосланган мониторинг тизими модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ККУ, уларнинг гуруҳлари ва турар-жой масканларини республикамиз шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда реконструкция ва реновация дастурларини ишлаб чиқишда оммавий инвентаризациялаш ва паспортлаштиришда эскириш даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

лойиҳачи ташкилотлар учун ёғоч, ғиштли, йиғма т/б панелли ва табиий тош конструкцияли ККУ да аниқлаштирилган меъёрий хизмат муддатига нисбатан жисмоний эскириш жадаллиги бўйича уларнинг ҳақиқий хизмат муддатини прогноз қилиш методикаси ишлаб чиқилган;

аниқланган баъзи қурилиш материалларининг эскириши жадаллиги лойиҳачилар, эксплуатация ташкилотлари учун биноларда жорий ва капитал таъмирлаш ишлари муддатини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ККУ учун аниқланган ҳақиқий хизмат муддати турар-жой масканларида уй-жой фондини бошқаришда, кўчмас мулк сервейинги, BIM-технологиясини қўллашда ва реновация дастурларини ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотлар базаси яратилган;

ККУ га салбий таъсир кўрсатувчи ҳудудий устивор омиллардан бўлган сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши ва шўрланиш юқори бўлган табиий экстремал ҳудудларни зоналаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (ШНҚ 2.01.11-07 га киритилган);

ККУ оптимал эксплуатациясини ва шаҳарсозлик кадастрини бошқаришда рақамли бошқарув тизимини ташкил этиш бўйича электрон паспорт шаклидаги мониторинг тизимини жорий этиш учун дастурий тизимининг модели ва унга мос равишда техник топшириқ ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотнинг амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида замонавий воситалар ва усулларни қўллаш билан олиб борилганлиги, назарий ва натуравий кузатувлар натижалари хулосаларига мос равишда ҳамда назарий ва натуравий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – ККУ ни эскиришини аниқлашда

биноларнинг жисмоний эскириши жадаллигини баҳолаш бўйича ҳудудий омилларни инобатга олиш хусусиятига эга бўлган янги прогнозлаш моделлари ишлаб чиқилган, ККУ нинг барвақт эскиришига олиб келувчи устивор регионал омиллар улуши аниқланган, ККУ нинг эксплуатациявий тафсилотлари, хусусан меъёрий хизмат муддатларига нисбатан техник хизмат муддатларининг фарқлари қониқарсиз эксплуатация қилинган ККУ учун илмий асосланган, турли материаллардан иборат бўлган ККУ бўйича уларнинг қолдиқ хизмат муддатлари, умрбоқийлиги ва ишончилиги кўрсаткичларини бинонинг жисмоний эскириш жадаллиги параметри орқали аниқлаш ҳамда прогнозлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – турли регионларда ККУ эскириши жадаллиги ККУ эксплуатациясини тўғри ташкил этишда, уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини режалашда, лойиҳалаш жараёнида бинонинг хизмат муддатини аниқ эксплуатация шароитлари учун прогноз қилишда, умрбоқийлиги ва қолдиқ хизмат муддатларини аниқлаш учун турар-жой ҳудудларини реновация дастурларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тадқиқот натижалари турар-жой комплексларида уларнинг оптимал эксплуатациясини ташкил этиш бўйича ҳамда ККУнинг шаҳарсозлик кадастри объекти сифатида электрон паспортлаштириш асосида мониторинг қилиш ҳукуматимиз томонидан рақамли бошқарув тизимига ўтишда “Ақлли шаҳар платформасини яратиш учун, уй-жой фондини истиқболли бошқаришда турар-жой массивларини реновациясида, кўчмас мулк сервейингида, соҳада BIM технологияларини татбиқ этишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шаҳарсозликда уй-жой фондининг эскиришини баҳолаш методологияси ва уларни мониторинг қилишнинг илмий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ККУ ни жисмоний эскиришини баҳолашда аниқланган баҳолаш моделлари, модификацион усули ҳамда ККУга табиий ва техноген омиллар таъсирида етказилган иқтисодий зарарларни баҳолашнинг янги усули “Суд-қурилиш-техник экспертизаси” соҳасида фойдаланишга қабул қилинган (ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги республика суд экспертиза марказининг 2021 йил 12 январдаги 2-сон маълумотномаси). Натижада ККУнинг техник ҳолатини оммавий баҳолаш натижалари аниқлиги 20% га ошган. Етказилган иқтисодий зарарларни баҳолашнинг янги усули мавжуд усулга нисбатан зарарни юқори аниқликда ҳисоблаш имкониятини берган;

ККУ салбий таъсир кўрсатувчи сизот сувлари сатҳи ва таркибининг ўзгарувчанлиги табиий экстремал ҳудудларни шаҳарсозлик нуқтаи - назаридан зоналаш бўйича тавсиялар ЎзР Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “ШНҚ 1.03.11-07” да жорий этилган (ЎзР Қурилиш вазирлигининг 2021 йил, 13 январдаги 09-06/333-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудларни шаҳарсозлик нуқтаи назаридан қулайлигини баҳолаш самарадорлигини оширишга эришилган;

эксплуатациядаги ККУнинг муддатидан олдин ишдан чиқиш сабаблари, уларга салбий таъсир этувчи табиий ва техноген омиллар тизими ЎзР ФВВ -

Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармасининг табиий экстремал ҳудудлар фаолиятига жорий этилган (ЎзР ФВВ - Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармасининг 2020 йил, 30 декабрдаги 24/4-364-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудларни табиий ва техноген турдаги фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш номенклатурасига янги табиий экстремал ҳудуд киритилган;

ЎзР УЖКХК вазирлигининг “Уй-жой кодекси” ни янги таҳририда, “ККУни бошқариш тўғрисида” ги ЎзР қонунини ишлаб чиқишда ҳамда ЎзР УЖКХК вазирлиги буюртмасига асосан мазкур илмий тадқиқот натижалари «ЎзРда ККУ эксплуатацияси сифатини ошириш бўйича электрон паспорт шаклида мониторинг тизимини жорий этиш» лойиҳасида жорий этилган (ЎзР УЖКХК вазирлигининг 2021 йил, 12 январдаги 07/01-91-сон маълумотномаси). Натижада ККУ эксплуатацияси соҳасида рақамли бошқаришни жорий этиш имконини берган.

2021 йилда 2 та қайта ишланаётган: “ШНҚ 1.03.11-07” да (сизот сувлари сатҳи ва таркиби билан боғлиқ бўлган табиий экстремал ҳудудлар) ва ҚМҚ 2.01.16-97 да (ККУ нинг жисмоний эскиришини баҳолашнинг янги модификациялашган усули ва моделлари); 2 та янги ишлаб чиқиладиган ШНҚ 1.04.01-21 (ККУ нинг жисмоний эскириши жадаллиги кўрсаткичлари «л» ва прогнозлаш моделлари) ҳамда ШНҚ 2.06.15-21 (ҳудудларни табиий экстремал ҳудудларда сизот сувлари сатҳи ва таркиби билан боғлиқ бўлган таъсирлардан муҳофаза қилиш) меъёрий ҳужжатларида жорий этилмоқда (“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖнинг 2021 йил, 11 майдаги 412/09-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 9 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 44 та илмий ишлар эълон қилинган бўлиб, 1 та монография, 4 та дарслик, 24 та илмий мақола, улардан 5 таси хорижда, 19 таси Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини нашр этиш бўйича тавсия этган журналларида чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ҳажми 195 бетни ташкил этиб, 79 та расм, 14 та жадвал ва 50 та формула мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларининг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп

этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертациянинг биринчи “Ўзбекистонда кўп квартиралли уйларнинг ҳозирги ҳолати” номли биринчи бобида мавжуд ККУ бўйича илк бор тўлиқ маълумотлар таҳлил қилинган. Унда қуйидагилар келтирилади: 1897-йилда Туркистон шаҳарларида 743 минг аҳоли истиқомат қилиб, бу аҳолининг умумий сонининг 20% ни ташкил этган. 2018-йил декабр ҳолатига кўра 34584 та ККУ да жами 1197318 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда расмий маълумотлар бўйича 4227358 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу республикада аҳолисининг 13% ини ташкил қилади. Улар жами 5972 та ХУЖМШ га бириктирилган. Маълумотга кўра жами мавжуд ККУ нинг 42% и Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган.

Дастлабки ККУ авлоди мамлакатимизда 1925-йилдан бошлаб қурила бошлаган. Ҳозирги вақтда бу авлодга тегишли биноларнинг аксарияти авария ҳолатига келиб қолган. Кейинги авлод (1930-1960 йй) га тегишли ККУ нинг ҳам жисмоний ва маънавий эскириш даражалари юқори бўлиб, амалдаги нормалар талабларига жавоб бермайди. Мавжуд ККУнинг умумий сони қуйидагича тақсимланади: ғиштдан қурилган уйлар сони - 18627 та (53,9%); темир-бетондан қурилган уйлар - 14643 та (42,3%); ёғоч ва бошқа материаллардан қурилган уйлар - 1314 та (3,8%) ни ташкил этади. Республика шаҳарларида ККУ нинг қаватлилиги бўйича турлари (жами уйлар сонига нисбатан % да):

1 қаватли - 20 та (0,06%); 2 қаватли - 13959 та (40,36%); 3 қаватли - 1185 та (3,43%); 4 қаватли - 13354 та (38,61%); 5 қаватли - 4184 та (12,10%); 6 қаватли - 32 та (0,09%); 7 қаватли - 280 та (0,81%); 8 қаватли - 48 та (0,14%); 9 қаватли - 1413 та (4,09%) ва ундан ортиқ қаватли ортиқ уйлар - 109 та (0,32%). Лифт ускунаси мавжуд бўлган уйларнинг сони - 4979 та. Чикинди шахтаси мавжуд уйлар сони – 1859 та.

ККУ нинг қурилган йиллари қуйидагича: 1967-йилгача – 27,2%; 1967-1970-йй. – 8,9%; 1970-80-йй. – 25,9%; 1980-90-йй. – 26,6%; 1990-2000-йй. – 6,3%; 2000-2010-йй. – 1,2%; 2010-2019-йй. – 3,9% ни ташкил этади.

Жорий ва капитал таъмир ишларининг ўз вақтида ўтказилмаётганлиги эскириши жадаллигининг ошириши, натижада бинонинг хизмат муддати меъёрий муддатга етмасдан тугаётганлиги аниқланган.

Республика бўйича бугун таъмирга муҳтож бинолар сони - 20625 та (59,64%) ва 452 дона (1,31%) “аварияли ҳолат” қайд этилиб, уларнинг 48,6% и 1967-йилгача қурилган бинолардир.

ҚҚР, Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида “аварияли ҳолат” қайд этилган уйлар сони энг кўп. Бунинг асосий сабаби, Тошкент шаҳрида уйлар сонинг кўплиги, ҚҚР да табиий омиллар таъсирининг, хусусан, Оролбўйи минтақасидаги экотизимнинг ўзгарганлиги, Сирдарё вилоятида эса ер ости сувларининг кескин кўтарилишининг натижасида эканлиги аниқланган.

Сўнгги 10 йилларда қурилган биноларнинг 20% дан ортиғи ҳам турли сабабларга кўра таъмирталабдир. Таҳлиллар асосида ККУнинг бундай аҳволга келишининг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари аниқланган.

Кўчмас мулк эгалари томонидан уй-жой фондларидан фойдаланиш ва уни сақлаш соҳасида йўл қўйилган жами 185353 та квартирага дахлдор камчилик ва қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган, жумладан: ўзбошимчалик билан барпо этилган ноқонуний бинолар сони – 62501 та; ертўла қисмидан фойдаланишда камчиликлар аниқланган уй-жой фондлари – 2584 та; уй-жой фондига туташ худудлардаги камчилик ва муаммолар сони – 111387 та; нотурар-жойлардан фойдаланиш бўйича қонун бузилиш ҳолатлари – 8881 та ККУда.

Мазкур бобда жисмоний емирилиш ва эскириш тушунчалари алоҳида таҳлил қилинган. Чунки, турли хил адабиётлар ва инструктор материаллар бу тушунчаларни бир хил талқин қилмайди. Шунинг учун жисмоний емирилишни келиб чиқиши бўйича иккита гуруҳга: - вақт омилига боғлиқ бўлган ҳолдаги табиий емирилиш; - механик тарзда юзага келадиган, конструкцияда турли хилдаги шикастланиш ва деформация ҳолатларини келтириб чиқаради. Материалнинг емирилиши ёки эскиришига доир матнда унга вақт давомида бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар жисмоний *эскириш жадаллиги* - “λ” билан белгиланган.

Диссертациянинг **“Уй-жой фондининг эскиришини баҳолашнинг назарий асослари” деб номланган** иккинчи бобида, муаммонинг назарий қисмига доир материаллар берилган. Турар-жой фондининг эскиришни аниқлашда биноларнинг меъёрий хизмат муддати уларнинг ҳақиқий хизмат муддати ҳар доим ҳам мос келмаслиги, бинодаги хилма-хил конструктив қисмлар ва материалларнинг хизмат муддатларининг ҳар хиллиги ва уларнинг эскириши жадаллиги турлича бўлиши - муаммони анча мураккаблаштиради. ККУ нинг жисмоний эскиришини баҳолаш - уларнинг ҳақиқий техник ҳолатини аниқлаш, таъмирлаш-тиклаш ҳажмини ва уларга ажратиладиган ҳаражатларни режалаштириш, реконструкция ва реновация дастурларини асослаш, биноларни бутунлай бузишга тавсия бериш, ККУнинг оптимал ва хавфсиз эксплуатациясини ташкил этиш ва ҳ.к. лар учун ўта муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кун амалиётида ва фанда қўлланилаётган жисмоний эскиришни аниқлаш бўйича усуллар ўтган асрнинг 80-90 йилларида кузатув-текширув ишлари натижасида юзага келган. ҚМҚ 2.01.16-97 га асосан материалнинг жисмоний эскириши даражасини фақат шикастланишнинг ташқи аломати бўйича эмас, балки унинг мустаҳкамлик захираси бўйича ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, “аварияли ҳолат” қайд этилган ККУ нинг аксарияти (80%) да эскиришнинг сабаби биноларнинг замин қисми билан боғлиқ ва эксплуатация нотўғри ташкил этилганлиги аниқланди.

ККУнинг умрбоқийлиги эксплуатация шароитига, уни ташкил этувчи конструкциялар, элементлар ва ундаги инженерлик жиҳозларининг жисмоний эскириши жадаллигига боғлиқдир. Масалан, бетоннинг қуруқ-иссиқ иқлим шароитида эластиклик модулининг сезиларли даражада камайиши, ғишт маркасининг ноқулай иқлим муҳитида, агрессив муҳитларда, нотўғри эксплуатация шароитларида камайиб кетиши, ёғочнинг вақт мобайнида юқори ҳарорат таъсирида мустаҳкамлигини йўқотиши

(массаси камайиши) ни жисмоний эмирилишнинг вақтга боғлиқ бўлган табиий эмирилиши, яъни *жисмоний эскириш* деб тушуниш мумкин.

Учинчи хил таъсир, бу бинодаги нуқсонлар мажмуасидир. Нуқсонлар лойиҳа босқичидан эксплуатациянинг сўнгги кунигача давом этиши (тўпланиши) мумкин ва у жисмоний эмирилишга ҳам жисмоний эскиришга ҳам алоқадор эмас. Нуқсонлар – меъёрлар ёки бошқа техник регламентларда қўйилган талаблардан четлашиш ҳолати деб тушунтирилади ва уни функционал эскириш турига киритилади.

1-жадвал

Биоларнинг жисмоний эмирилишини аниқлаш бўйича мавжуд усуллар

таҳлили

т/р	Усул муаллифи (номи)	Формуласи	Қулайлиги	Камчилиги
Меърий -хизмат муддати усуллари				
1	<i>Архитектор Росс усули (1820-йй.)</i>	А) Нормал (яхши) эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши (Φ_n). $\Phi_n = \frac{t^2}{T^2} * 100$	Объектларни инвентаризация ва паспортзация ишларида, оммавий баҳолашда қулай	Бинонинг реал техник ҳолатини аниқ белгилаб бера олмайди
		Б) Ўртача (қониқарли) эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши. $\Phi_n = \frac{t * (t + T)}{2T^2} * 100$		
		В) Қониқарсиз эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши. $\Phi_n = \frac{t}{T} * 100$ t - бинонинг эксплуатация қилинган муддати, йил; T - бинонинг меърий хизмат даври (капиталлик гуруҳига нисбатан), йил.		
2	<i>С.К.Балашов усули (1939-йй.)</i>	$\Phi_n = \frac{T(T + t)}{2.67t^2} * 100$	Объектларни инвентаризация ва паспортзация ишларида, оммавий баҳолашда қулай	Бинонинг реал техник ҳолатини аниқ белгилаб бера олмайди
3	<i>В.Сроковский усули</i>	А) Ўртачадан паст (тўлиқсиз қониқарсиз) эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши. $\Phi_n = \frac{t}{t+t_1} * 100$ ёки $\Phi_n = \frac{T(T + t)}{2t^2} * 100$	Объектларни инвентаризация ва паспортзация ишларида, оммавий баҳолашда қулай	Бинонинг реал техник ҳолатини аниқ белгилаб бера олмайди
		Б) Қониқарсиз эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши аниқлаш. $\Phi_n = \frac{t_1}{t + t_1} * 100$		
		В) Т-меърий хизмат даврига тенг ёки унга яқин хизмат қилган бинонинг эскириши. $\Phi_n = \frac{t_1}{T + t_1} * 100$ ёки $\Phi_n = 100 - \frac{25 + 100t_1}{T}$ t - бинонинг эксплуатация қилинган муддати йил; t ₁ – бинонинг қолдиқ хизмат муддати, йил.		
4	<i>В.В.Анисимов - В.Е.Николаицев усули</i>	А) Биринчи капиталлик гуруҳ биолари учун. $\Phi_n = 0.00829t^3 - 0.104t^2 + 0.867t + 9$	Объектларни инвент. паспорт-я ишларида, оммавий баҳолашда қулай, 1 ва 2-кап. синфига мансуб биоларга нисбатан тағбиқ этиш мумкин.	Бошқа капиталлик гуруҳлар учун қўлланилмайди. Бинонинг реал техник ҳолатини аниқ белгилаб бера олмайди
		Б) Иккинчи капиталлик гуруҳ биолари учун. $\Phi_n = 0.16t^2 + 0.68t$ t - бинонинг эксплуатация қилинган муддати (к/т дан ёки реконструкциядан кейин ҳам бўлиши мумкин), йил.		
5	<i>Литвер</i>	А) Биринчи капиталлик гуруҳ биолари учун.	Объектларни	Бошқа капиталлик

	<i>(НИИЭС собиқ иттифоқ қурилиш қўмитаси-1969-й.)</i>	$\Phi_{и} = 0.1t^2 + 0.5t$ <p>t - бинонинг эксплуатация қилинган муддати (капитал таъмирдан ёки реконструкциядан кейин ҳам бўлиши мумкин), йил.</p> <p>Б) Иккинчи капиталлик гуруҳ бинолари учун.</p> $\Phi_{и} = 0.16t^2 + 0.68t$	инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулай, 1 ва 2-кап. синфига мансуб биноларга нисбатан татбиқ эт.	гуруҳлар учун қўлланилмайди. Бинонинг реал техник ҳолатини аниқ белгилаб бера олмайди
6.	<i>В.К.Соколов усули</i>	$x = \begin{cases} \frac{4}{9}y & (\text{агар } 0 \leq y \leq 90) \\ \frac{1}{360}y^2 - \frac{1}{12}y + 25 & (\text{агар } 90 \leq y \leq 150) \end{cases}$ <p>у-ғиштли деворнинг хизмат муддати, йил; х-жисмоний емирилиш.</p>	1А, 1,2,3 капиталлик синфли ғиштли деворлар учун нормал жисмоний емирилишини аниқлашда фойдаланиш мумкин	Фойдаланиш имконияти чегараланган (фақат ғиштли деворлар эскиришини аниқлашда фойдаланилади)
7.	<i>Жисмоний эскиришини аниқлашнинг объект ёши ва ўтказилган капитал таъмирларни ҳисобга олиш усули</i>	$I_{\phi} = \alpha * \sum_{i=0}^k \left(\frac{100 - \alpha}{100}\right)^i + \left[100 \sum_{i=0}^k \left(\frac{100 - \alpha}{100}\right)^i \right] \left(-e^{-3.0 \frac{T_k}{T_{и}^{к/т}}}\right)$ <p>α - 1 та капитал таъмир (к/т) дан кейин пайдо бўладиган жисмо-ний эскиришнинг доимий катталиги (20%); k-текшириш пайти-гача ўтказилган к/т лар сони; e-натурал логарифм асоси, e=2.72; Тк/т-охирги к/т дан кейин текширувгача бўлган ҳақиқий хизмат муддати, йил; Т_и^{к/т}- к/т гача бўлган метёрий хизмат муддати, йил.</p>	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулай бўлиб, ўтказилган капитал таъмирларни инобатга олиш имконияти мавжуд.	1. Бинонинг реал Т _х ни аниқ белгилаб бера олмайди; 2. Фақатгина тўлиқ к/т ган бинолар учун мансуб. 3. К/т лар турлари бўйича (қисман, тўлиқ...) ҳисобга олиш кўрсатилмаган.
8.	<i>Н.В.Нечаев усули (1990-й.)</i>	<p>1-ўн йилликда</p> $I_{\phi 1} = I_{\phi, кх} + \frac{\Delta I_{\phi}}{10} t_1$ <p>2-ўн йилликда</p> $I_{\phi 2} = I_{\phi, кх} + \Delta I_{\phi 1} + \frac{\Delta I_{\phi 2}}{10} t_2$ <p>I_{φ1}, I_{φ2} – 10 ва 20 йилдан кейинги бинонинг жисмоний емирилиши, %; I_{φ,кх} – уй-жой фондини қайта баҳолаш ўтказилган йилдаги емирилиши, %; ΔI_{φ1}, ΔI_{φ2}- мос равишда 1 ва 2 ўн йилликда жисмоний емирилишнинг ўсиши, %; t₁, t₂ – уй-жой фондини охирига қайта ҳисоблашдан кейинги даврлар, йил.</p>	Бинодаги жисмоний емирилишни биринчи ва иккинчи ўн йилликда прогноз қилишда фойдаланиш мумкин	Қаралаётган бинонинг текшириляётган пайтдаги эмас кейинги 10 ва 20 йилдаги емирилишини прогноз қилиши имконини беради.
Ҳаражатларни ҳисобга олиш усули				
9.	<i>Ҳаражатларни ҳисоблаш орқали аниқлаш – смета усули</i>	$\Phi_{и} = \frac{K_{ткт}}{B * K_0} * 100\%$ <p>K_{ткт} – конструктив қисм, хоналар ёки бутунлай бинони таъмирлаш-қури-лиш тадбирлари харажати ёки бинони сақлаш учун йиллик харажатлар, сўм; B=1.3– таъмирлаш-қурилиш тадбирлари харажатлари ва тикланиш қиймати-ни (конструктив қисм, хоналар ёки бутунлай бинони қийматнинг ягона миқёсига) келти-рувчи коэффициент; K₀ – баҳолаш пайтидаги конструктив қисм, хоналар ёки бутунлай бинонинг тикланиш қиймати, сўм.</p>	Конструктив қисм, хоналар ёки бутунлай бинони таъмирлаш-қурилиш тадбирлари харажатини ҳисоблаш орқали жисмоний емирилишни аниқроқ топиш имконияти мавжуд.	Бинода таъмирлаш-қурилиш, тиклаш ишлари ўтказилмаган бўлса уни қуллаб бўлмайди.
10	<i>Башкатов В.С. усули (2013-й.)</i>	$\Phi_{и} = \frac{100 * k_1 * 5(1.036^{\frac{t}{5}} - 1.036^{\frac{t_2}{5}})}{\ln 1.036}$ <p>k₁ – биноларни умрбоқийлиги (капиталлик гуруҳини) ҳисобга олувчи таъмирлаш тадбирларига сарф-ланган ва таъмир-лаш-қурилиш ва тиклаш ишлари харажатларини қийматнинг ягона миқёсига келтирув-чи коэффициент (k₁-0.0056, k₂-0.0066, k₃-0.00792, k₄-0.00685); t - бинонинг экс-плуатация қилинган муддати (капитал таъмирдан ёки реконструкциядан кейин ҳам бўлиши мумкин), йил</p>	Конструктив қисм, хоналар ёки бутунлай бинони таъмирлаш-қурилиш тадбирлари харажатини ҳисоблаш орқали Ф ни аниқроқ топиш имконияти мавжуд.	Бинода таъмирлаш-қурилиш, тиклаш ишлари ўтказилмаган бўлса уни қуллаб бўлмайди.
11	<i>Белых А.В. усули (2013-й.)</i>	$y = 4.9377\Phi^4 - 2,9849\Phi^3 + 2,2736\Phi^2 + 0,1196\Phi + 0,0105$ <p>у - тикланиш қийматига нисбатан жисмоний емирилишни бартараф этиш учун харажатлар улуши;</p>	Конструктив қисм, хоналар ёки бутунлай бинони таъмирлаш-қуриш харажатини	Бинода таъмирлаш-қурилиш, тиклаш ишлари ўтказилмаган


		Ф - бирлик улушга нисбатан жисмоний эмирилиш.	ҳисоблаш орқали Ф ни аниқроқ топади	бўлса уни куллаб бўлмайди.
Техник экспертиза усуллари				
12	ҚМҚ 2.01.16-97 Собиқ ВСН 53-86(р) ўрнига (бевосита кузатув-текширув ишлари орқали)	<p>А) Конструктив элементларнинг эскириши</p> $\Phi_k = \sum_{i=1}^n \Phi_i \frac{P_i}{P_k}$ <p>Φ_k – конструкциянинг жисмоний эскириш, %; Φ_i – конструкциянинг i-қисмининг жисмоний эскириши, P_i - мазкур конструкциянинг шикастланган i-қисмини ўлчами; P_k – конструкцияларнинг қаралаётган қисми ўлчами (майдон, узунлик, ҳажм ва ҳ.к. - мос равишда м², м, м³).</p> <p>Б) Бинонинг эскириши</p> $\Phi_3 = \sum_{i=1}^n \frac{\Phi_{ki} L_i}{100}$ <p>Φ_3 - бинонинг жисмоний эскириши, %; Φ_{ki} - i-конструкция-нинг жисмоний эскириши, %; L_i - бинонинг тикланиш қийматига нисбатан i-конструкциянинг улуш қиймати, %.</p>	<p>1. Ҳар бир конструкция, унинг қисми ва инженерлик тармоқлари эксперт томонидан текширилади ва ундаги 72 та жадвал ёрдамида шикастланиш даражаси ўрнатилиб, бинонинг техник ҳолати бўйича реал ҳолатга яқин ҳулоса бериш имконияти мавжуд.</p> <p>2. <i>Жисмоний эмирилишни аниқлайди</i></p>	<p>1. Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида оммавий баҳолаш ишларида чекланган, усулни бинолар гуруҳига татбиқ этилмайди;</p> <p>2. Эмирилиш конструкция, элемент ва инж. жиҳозлари шикастланишларнинг ташқи белгилари орқали аниқланади;</p> <p>3. Конструкция, элемент ва материал сифатининг пасайишини инобатга олмайди</p>

Био элементларининг хизмат муддатлари бўйича гуруҳларга бўлиб, улар ўртасидаги нисбий кўрсаткични қуйидагича аниқлашни тавсия қиламиз:

$$t = t_{эл} / T_б, \quad (1)$$

бу ерда: $t_{эл}$ – элементнинг меъёрий хизмат муддати; $T_б$ – бинонинг меъёрий хизмат муддати. Бунда тавсия қилган миқдорлар: бинонинг юк кўтарувчи элементлари $t=1$; ажратувчи деворлар, ёғоч материаллар, паркет поллар, фасад қопламалари $t = 0.5$; линолеумли поллар (турига қараб) $t = 0.1-0.2$; қатламли том қопламалар: изол $t = 0.1$, рубероид $t = 0.02-0.03$; ички ва ташқи пардоз (бўёқ) $t = 0.05$.

“Уй-жой фондининг эскиришини экспериментал тадқиқ этиш” деб номланган учинчи бобда эксплуатациядаги ККУ нинг натуравий текшириш ишларига бағишланади. Мазкур бобда ККУ га салбий таъсир кўрсатувчи омилларни тизими келтирилади (1-расм).



1-расм.
Эксплуатациядаги ККУ ва уларнинг гуруҳларининг ишончилигига салбий кўрсатувчи омиллар схемаси

А-табiiй ва техноген омиллар A_1 -иклим таъсири; A_2 -динамик таъсирлар; A_3 -гидрогеологик жараёнлар; A_4 -таъсир қилувчи муҳит; A_5 -бошқа турдаги табиий ва техноген офатлар; A_6 -технологик (функционал) омиллар. Б-антропоген омиллар: B_1 -ҳарбий ҳаракатлар таъсирида вайрон бўлиш; B_2 -терраклар натижасида вайрон бўлиш; B_3 -субъектив омиллар. Ўз навбатида B_3 -субъектив омиллар, мос равишда: B_{31} -лойиҳа олди босқичи; B_{32} -лойиҳа босқичи; B_{33} -конструкцияларни завод шароитида тайёрлаш, ташиш, сақлаш босқичи; B_{34} -қурилиш-монтаж боқичи; B_{35} -эксплуатация боқичи; B_{36} -меъёрий базадаги камчиликлар. “Б” омиллар гуруҳини ташкил этувчиларнинг бутун


жараёндаги улушини аниқлаймиз. Бунда олтига муаллиф келтирган маълумотлардан фойдаланмиз (2-жадвал).

2-жадвал

Бионоларда турли босқичларда йўл қўйиладиган хатоликлар ва дефектларнинг пайдо бўлиши сабаблари

Босқичлар	Йўл қўйиладиган хатоликлар ва нуқсонларнинг пайдо бўлиши сабаблари, %						Босқичларнинг аҳамияти, %
	³	Карой С.	Томас Х., Мак К.	ЦНИИ	Болдырев Г.И.	http/	
Лойихалаш	24	22	17,5	13	20	-	13,8
Заводда тайёрлаш, транспортировка, сақлаш	-	17	3,5	-	10	-	4,4
Қурилиш-монтаж	54	42	15	69	48	65	49,3
Ишлаб чиқариш техноло- гияларининг бузилиши	-	-	-	-	-	16	2,3
Консервация қоидаларининг бузилиши	-	-	-	-	-	3	0,4
Эксплуатация	22	19	64	18	22	16	26,4
Жами	100	100	100	100	100	100	100

ΣA_i ва ΣB_i омиллар гуруҳининг ўзаро улуши 2-3-расмларда келтирилган.



2-расм. Бионоларда аварияларнинг намён бўлиши ҳажмига кўра омиллар улушининг келтирилган қиймати.

3-расм. ЎзР бўйича 82 та авария ҳолатидаги бионолар бўйича маълумот.

Жисмоний эскиришнинг жадаллиги меъерий эскириш кўрсаткичининг прогноз қилинаётган эксплуатация даврига нисбати билан аниқланади:


$$\lambda = \Phi^M / T^P, \quad (2)$$

Эксплуатация давридаги эскириш эса:


$$\lambda = \Phi / T_3, \quad (3)$$

бу ерда: λ – бионинг, конструкциянинг, элементнинг эскириши жадаллиги (мм/млн. киши, йил); T^P – прогноз қилинаётган эксплуатация муддати (йил); T_3 – бионинг, конструкциянинг эксплуатация муддати (йил); Φ^M – меъерий эскириш даражаси; Φ – ҳақиқий эскириш қиймати.

³ Анализ причин аварий и поврежденных строительных конструкций. М.: Стройиздат, 1973. –216 с.




4-расм. 2 қаватли ғиштли ККУ нинг эскириши.




5-расм. Регионлар бўйича 2 қават ғиштли ККУ нинг Т билан Тх ўртасидаги муносабат.

ККУларнинг меъёрий хизмат муддати билан ҳақиқий хизмат муддати ўртасидаги боғлиқлик мавжуд (4 ва 7-расмлар). Бу ҳолат барча турдаги ККУлар учун характерлидир.



6-расм. 2 қаватли ғиштли ККУ пойдевор конструкцияларининг эскириши.



7-расм. Регионлар бўйича 2 қават ғиштли ККУ пойдевор конструкцияларининг Т билан Тх ўртасидаги муносабат.


Эслатма: Қизил – меъёрий эскириш чизиғи; кўк – максимал (ҳақиқий) эскириш чизиғи; яшил – минимал (ҳақиқий) эскириш чизиғи; штрих–прогнослаштирилаётган эскириш чизиғи ($\lambda = \text{const}$ ҳол учун); ΔT – прогнослаштирилаётган хизмат муддати, йил; $\Delta \Phi$ – меъёрий эскириш қийматидан ҳақиқий эскириш қийматининг айирмаси, %.

“Шаҳарсозликда ККУ ни техник ҳолатини бошқаришнинг назарий таҳлили ва мониторинги тизимини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобда ККУ ни техник ҳолатини бошқариш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Уй-жой коммунал соҳа шаҳарнинг таркибий қисми сифатида, шаҳар ривожланишида бош режани уй-жой фондининг мақсадли дастурлари билан ўзаро боғлаш зарурияти туғилмоқда. Бу - эксплуатациядаги мавжуд ККУнинг ҳолати, шаҳар бош режасида тутган ўрни, турар-жой ҳудудларини реконструкция қилиш, эски турар-жой масканларини реновация қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган уй-жой фонди бўйича истиқболли режаларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш бўйича истиқболли реновация дастурларини яратиш каби ишларни ўз ичига олади. Бу ишларни

тизимли равишда бажариш учун ККУ нинг техник ҳолатини доимий назорат - мониторинг тизимини татбиқ этишни талаб қилади.

ККУ нинг техник ҳолатини бошқариш мониторингини шакллантиришнинг тавсия қилинган схемаси 8-расмда келтирилган.



8-расм. ККУ нинг техник ҳолатини бошқариш мониторингининг шакли:

*5 йилда 1 марта – агрессив муҳитларда, вибрация таъсирида бўлган, юқори намлик шароитида ва зилзилавай кўрсаткичи 7 ва ундан юқори бўлган зоналарда эксплуатациядаги бинолар учун (ГОСТ 31937-2011); ** ККУнинг техник ҳолати; *** Жисмоний эскириш, %.

Мониторинг тизими объектда уч турдаги гуруҳ кўрсаткичларининг параметрларини текширади: 1-физик-техник параметрлар (конструкциянинг мустаҳкамлиги; юк кўтариш қобилияти; бикрлиги; устиворлиги; иссиқлик ва товуш ўтказувчанлиги; герметиклиги ва ҳ.к.); 2-ККУ нинг вазифасига мослиги (габарит ўлчамлари – майдони, баландлиги, ҳажми; яшаш муҳитининг санитар-гигиеник параметрлари; қурилиш ва эксплуатациянинг иқтисодий параметрлари, архитектуравий талабларга мослиги); 3-ККУнинг мавжуд эскиришлар натижасидаги эксплуатациявий ишончлилиги.


ККУ техник ҳолатини бошқаришнинг мониторинг тизимини яратиш учун, мониторинг стратегиясини 2 босқич асосида ташкил этилиши тавсия этилади: *1-босқич:* республика бўйича ККУ фондини техник инвентаризациялаш, унга тегишли барча техник, иқтисодий ва юридик маълумотларнинг ахборот базасини яратиш; *2-босқич:* ККУ бўйича уй-жой фондининг Т_хни бошқаришнинг бош стратегиясини ишлаб чиқиш.

Мавжуд ККУ нинг жисмоний эскириши бўйича уларнинг техник ҳолатларига мос равишда қуйидаги 7 гуруҳга бўлиб чиқиш тавсия қилинади ва у мониторингнинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади (3-жадвал).

ККУ нинг техник ҳолати категориялари ва эскиришни бартараф этиш учун харажатлар

ККУ нинг техник ҳолати бўйича гуруҳи	Рамзий ранги ва рақами	ККУ нинг техник ҳолати	Тх тоифаси (ГОСТ 31937)	Жисмоний эскириши даражаси, %	Кузатув-текширув ишларининг даврийлиги	ККУ да бажариладиган ишларнинг тури	Ишларга сарфланадиган харажатлар* (C _{т.к} га нисбатан)	Таъмирлаш коэффициенти
1-гуруҳ	I	Янги	Меъёрий техник ҳолат	0-5	Эксплуатациянинг 2-йили тугагач	Жорий таъмирлаш	0-3 %	0-0.03
2-гуруҳ	II	Яхши		6-15	10 йилда 1 марта	Ж.т., танлов * асосида К.т.	3.1-10 %	0.031-0.10
3-гуруҳ	III	Қониқарли	Ишчи ҳолат	16-25	5 йилда 1 марта	Ж.т. ва қисман к.т.	11-20 %	0.11-0.20
4-гуруҳ	IV	Қисман Қоник.		26-40	3 йилда 1 марта	Қисман ва тулик к.т.	21-35 % гача	0.21-0.35
5-гуруҳ	V	Қониқарсиз	Чекланган ишчи ҳолат	41-60	2-3 йилда 1 марта	К.т. (модернизация билан)	36-55 % гача	0.36-0.55
6-гуруҳ	VI	Ночор	Авария ҳолати	61-79	Ҳар йили	Тулик к.т. ёки реконструкция	56-70 %	0.56-0.7
7-гуруҳ	VII	Яроқсиз (аварияли)		< 80	Доимий	Реконструкция ёки бузиш	71-120 % гача	0.71-1.20

Ж/т.-жорий таъмирлаш; К/т.-капитал таъмирлаш.



9-расм. ККУ нинг техник ҳолатини бошқариш мониторингининг вазифавий модели.

ККУ ни электрон паспорти (ЭП) ни яратишдан мақсад – унинг ҳаётий циклининг узлуксиз маълумотлар базасини шакллантириб боришда зарурий элемент бўлиб, объект бўйича эксплуатациянинг барча босқичларида кўп ўлчовли назорат қилиш имкониятини беради (9-расм).

Бунда ҳар бир ККУ нинг тикланиш, жисмоний ва маънавий эскиришнинг қиймати аниқланади. Бунда асосий конструктив элементлар бўйича кўрсаткичлар алоҳида ўрганилиб, бўлажак таъмирлаш ишларининг самарадорлиги коэффиценти – “Кс” белгилаб олинади. Ҳақиқий хизмат муддати меъёрий хизмат муддатидан ортиб кетган ККУ да $K_c = 1$ га яқин бўлиб, таъмирлаш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлмайди, яъни улар реконструкцияга, реновацияга, модернизацияга ёки бутунлай бузишга тавсия қилинади.

ККУ эксплуатацияси сифатини ошириш бўйича ЭП шаклида мониторинг тизимининг таркибий тузилиши ишлаб чиқилган бўлиб, унда энг юқори ва қуйи бўғинларнинг ўзаро алоқадорлиги, ахборотнинг қуйидан юқорига ҳамда аксинча назорати шакллантирилган. Бунда асосий масала, ахборотнинг зарурий бўғинларга ўз вақтида етиб бориши, алмашинувчанлиги, доимий равишда янгиланиб борилиши мазкур соҳада электрон бошқарув тизимига ўтишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

“Уй-жой фондининг эскиришини, умрбоқийлиги ва қолдиқ хизмат муддатларини прогнозлаш моделларини ишлаб чиқиш” номли бешинчи бобда қониқарсиз эксплуатация қилинган ККУ да ўтказилган натуравий текшириш натижалари шуни кўрсатдики, амалда фойдаланилаётган усуллар, эскириши қийматлари таҳлил қилинган формулаларнинг (1-жадвал) бирортасига мос келмади. Шунинг учун, маҳаллий шарт-шароитларини ҳисобга олувчи қуйидаги эскиришни прогнозлаш моделини тавсия қилдик.

1) *гишт конструкцияли ККУ учун прогнозлаш модели:*

$$y = 0,207 (0,1x-6)^3 + 44,8 \quad (4)$$

бу ерда, y – жисмоний эскириш, Φ_y , % ($\overline{\Phi_y} = \bar{y} = 48,9$ %.);

x – бинонинг эксплуатация қилинган муддати, T_y , йил ($\overline{T_y} = \bar{x} = 65$ йил);

2) *Йиғма т/б панел конструкция ККУ лар учун:*

$$\Phi = 0,21 (0,1T_y - 6,1)^3 + 47,7 \quad (5)$$

3) *Гишт конструкцияли ККУ пойдеворининг эскириш қонунияти*

$$\Phi(T) = 0,27 \cdot T + 6,42 \quad (6)$$

